



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ
ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

АГРАР СОҲАДАГИ ИЛМ-ҒАН ЯНГИЛИКЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ ВАЗИФАЛАР

Иқтидорли талаба ва магистрантларнинг
“2016 йил – Соғлом она ва бола йили”га бағишланган
илмий конференцияси материаллари тўплами

II-қисм



Самарқанд - 2016

Р.Норкулова, И.Т.Эргашев. Уруғлик туганакларни экиш олди тайёрлаш – мухим технологик талбир.....	173
М.Тугалова, И.Т.Эргашев. Ўзбекистонда картошка вирусларининг хосилдорликка таъсири.....	175
М.Т.Кубасва, А.Л.Санакулов. Молибден микроўғитини турли усулларда қўллашнинг анғизда экилган мош хосилдорлигига таъсири.....	176
Н.Насирова, Б.Мавлонов. Ўзбекистон 420 ВЛ дурагайининг махсулдорлик кўрсаткичларига азотли ўғит меъёрларининг таъсири.....	179
F.Z.Imamov, O.M.Nazarov. Qattiq bug'doyning tup soni rivojlanishi va hosildorligiga krioprotector moddalarni ta'siri.....	180
Д.Асламов, И.Т.Эргашев. Картопканинг кўпайиш коэффициентига экиш схемасининг таъсири.....	182
С.Хасанова, С.Т.Санаев. Сабзавот маккажўхорини дон учун ўстириш.....	183
Д.Холмуродова. Уруғли ва данакли мевали боғларда шарқ мевахўри (grapholitha molesta busck.)нинг зарари.....	185
З.Болкиев, Ш.Жумаев, Р.Орипов. Калий ўғити меъёрлари ва гўза хосилдорлиги.....	187
О.Р.Умаров, Г.Ахадова, М.А.Хайитов. Дехқонobod калий заводи махсулоти самарадорликни ошириш омили.....	188
Ш.Эгамбердиев, Ш.Ҳазраткулов, М.А.Хайитов. Амарант ўсимлигини сидерат сифатида фойдаланиш хуҳусиятлари.....	190
Ш.Раджабова, Г.К.Ортиков. Азотли ўғитларнинг тупрок азот режими ҳамда гўза хосилдорлигига таъсири.....	191
Х.А.Нарзикулова, Б.Н.Абдуллаев. Қишлоқ хўжалиги экологик муаммолари ва уларнинг счимлари.....	193
Ж.Бердиев, Ш.А.Ҳазраткулов, Б.К.Шониёзов, А.Ж.Султонов. Магний карбонатли шўрланган тупроқлар шаронтида минерал ўғитларнинг доривор амарант "харьковский-1" нави дон ва биомасса хосилига таъсири.....	195
K.R.Sultonova, M.G.Safin (SamDU). Sho'rlangan sharoitda bug'doyning unuvchanligini oshishiga izoprenoidli preparatlarning ta'siri.....	197
М.Эшбекова, И.Т.Эргашев, К.Турсунов. Конкурс нав синовида селекцион намуналарни биометрих кўрсаткичлари буйича баҳолаш.....	199
Ш.М.Жабборова, М.К.Луков. Кунгабоқарнинг такрорий шўрланишга чидамли нав, дурагай ва панауналарини танлаш, ажратиш.....	201
Д.Халикулов, И.Т.Эргашев. Сугориладиган ерларининг турли тупрок-иклим шароитларига мослашадиган, иссиқ ва ноқулай шароитларга чидамли каттик бугдой нав намуналарини танлаш.....	203
М.Т.Толиббоева, А.А.Пудатов, М.Қ.Луков. Гўзанинг истиқболли янги навлари.....	204
Н.Куйсинбоев, К.М.Мўминов. Тоғ олди эрозияга учраган ерларда минерал ўғитлар меъёрларининг кузги бугдой дон хосили ва сифатига таъсири.....	207
X.I.Ergasheva, I.Sh.Jabborov (SamDU). Mahalliy yomg'ir chuvalchaglari asosida organik chiqindilarni biodegradatsiyalash.....	209
С.А.Худойназарова, П.Х.Бобомирзаев. Кузги бугдойнинг селекцияси буйича тадқиқотларида ўсув даври ва хосилдорлиги.....	212
О.Р.Умаров, М.А.Хайитов, М.К.Давирова. Дехқонobod калий заводи ўғитининг каттик бугдой ўсиши ривожланиши ва хосилдорлигига таъсири.....	214
М.Шерназаров, У.Дўсткулов, З.Бобоев, П.Х.Бобомирзаев. Қашқадарё вилояти лалмикорликнинг кир-адирлик на тоғ олди минтақаларида каттик бугдой экиш меъёрлари.....	215
Н.Кўйчиев, Н.Равшанова. Соя - истиқболли экин.....	217
А.Файзуллаев, Б.Мавлонов. Экиш муддатларининг бугдой навларининг дон хосилдорлигига таъсири.....	219

Зараркунанданинг ушбу туткичга капалаклари тўшиб бошлагандан 3 – 4 кундан кейин, тухумларига қарши махсус боғ трихограммасини ҳар бир авлодига қарши 3 марта 4-5 кун оралатиб тарқатиш тавсия этилади.

Агар зараркунанданинг кўпайиши иктисодий хавfli чегара мезонидан ошадиган бўлса, куйидаги препаратлар тавсия этилади. Каратэ 5% ли эм.к. 0,4 – 0,8 л/га, Суми-альфа, 5% ли эм.к. 0,5 – 1,0 л/га, Фьюри 10% ли с.э.к. 0,25 л/га препаратларини ўз вақтида қўлланиладиган бўлса, кўтилган натижага эришилади ва юқори ҳосил олишга асосий омил бўлиб хизмат қилади.

КАЛИЙ ЎҒИТИ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИ

**3.Болқиев – магистратура талабаси, Ш.Жумаев – ассистент,
Р.Орипов – илмий раҳбар, профессор**

Республикамизда пахта етиштириладиган хўжаликларнинг тупроқлари ялпи калий билан азот ва фосфорга нисбатан яхши таъминланган бўлсада, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили билан тупроқдан кўп миқдорда олиб чиқиб кетилиши натижасида унинг миқдори кескин камаяди, бу эса калий ўғитларнинг қўлланишини тақоза этади. Ғўзанинг ўсиш ва ривожланиши учун эса калий озика моддаси азот ва фосфор каби ғоятда зарурдир. Калий ғўзанинг моддалар алмашинивуда фаол катнашади, ўсиш ва янги хужайраларнинг пайдо бўлиш қисмларида тўпланади. Белоусов М.А. (1995 й) Протасов П.В. (1975) ва Мадраимов И. (1980 й) лар ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлдики, ғўзада ҳосил тўпланишида ва пишиб етилишида калий билан нормал озиклантириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридаги муаммони батафсилроқ ўрганиш мақсадида, Самарқанд вилояти Пайарик тумани «Фарход» фермер хўжалигининг карбонатли шўрланган типик бўз тупроқлари шароитида дала тажрибаси ўтказилди.

Тажрибада ғўза қатор ораларининг кенлиги 60 см бўлиб, вариантлар сони 8 та, такрорлар сони 4 та, пайкалчалар (делянкалар) сони 32 та, уларнинг ўлчами: эни 4,8 м, узунлиги 42 м, майдони 200 м² дан иборат бўлди.

Тажриба даласи тупроғи сугориладиган типик бўз тупроқлар бўлиб, механик таркибига кўра ўргача қумоқ, ер ости сувларининг сатхи 3–5 метр чуқурликда жойлашган.

Тажриба қўйилишидан олдин даланинг хайдов катламида (0–30 см) гумус – 0,94 %, азот 0,109 %, фосфор – 0,127 %, калий – 1,98 %; ҳаракатчан фосфор – 14,4 мг/кг ва алмашинувчи калий 293 мг/кг ни ташкил этади.

Тажриба куйидаги схемада ўтказилди: (гектарига кг ҳисобида):

1. Назорат, 2. N₂₅₀P₁₇₅-фон, 3. Фон+K₂O-60кг, 4. Фон+K₂O-90кг, 5. Фон+K₂O-120кг, 6. Фон+K₂O-150 кг, 7. Фон+K₂O-180кг, 8. Фон+K₂O-210 кг/

Тажрибада барча фенологик кузатишлар ва биометрик ўлчовлар ЎзПИТИнинг “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” асосида (2007 й) олиб борилди. Тадқиқот натижалари таҳлил қилиниб, ундан олинган маълумотлар I-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики тажрибада калийли ўғит меъёрининг ошиб бориши ўсимликнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этишини кўрсатди, яъни ўсимлик бўйининг баланд бўлиши, ҳосил шохлари кўплиги билан бошқа ўрганилган вариантлардан ажралиб туради. 1 августда ўтказилган кузатишларда назорат ўғитсиз вариантга нисбатдан, тажрибанинг 6 вариантыда (150 кг/га калий қўлланилганда) бош поясининг баландлиги 17,2 см, ҳосил шохлари сони 4,5 дона, кўсақлар сони 7 донага кўп бўлади. Калий меъёрининг ошиб бориши билан ҳосилдорлик ҳам ошиб боради. Энг юқори ҳосилдорлик 6 вариантда кузатилди, 7 ва 8 вариантда эса ҳосилдорлик унга нисбатан камроқ бўлиши ҳисобга олинди.

Ўтказилган фенологик кузатишлар натижасига кўра калийли ўғитлар меъёрлари турлича бўлиши қараб ғўзанинг ўсиш, ривожланиши, ҳосил шохлари, ҳосил элементлари ва кўсақлар пайдо бўлишига таъсири жиҳатдан катта фарқ қилганлиги аниқланди.

Ўзанинг "Омад" навини ўсиш ривожланиши ва ҳосилдорлигига калий ўғити
меъёрларининг таъсири

Вариантлар	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га			1.06.2015		1.07.2015			1.08.2015		1.09.2015			Ҳосилдорлик ц/га	
	N	P	K	Ўсимлик бўйи, см	Чин барглари сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосил шохлари сони, дона	Шона сони, дона	Ўсимлик бўйи, см	Ҳосил шохлари сони, дона	Кўсак сони, дона	Кўсак сопи, дона	Шу жумладан очилган кўсак сони, дона	Ўртача ҳосилдорлик, ц/га	Назоратга нисбатан, (+,-)
1	-	-	-	14	5	35	5,5	7,5	56,3	8,5	6	7,6	3,1	19	-
2	250	175	-	14,5	5	37	7,4	8,5	59,1	10,3	7,5	10,5	3,3	23,4	+4,4
3	250	175	60	14,5	5	39	7,9	9,4	62,6	10,8	9	13,9	3,4	25,3	+6,3
4	250	175	90	14,9	5,5	40	8	9,9	69	11,6	10,6	15,4	3,6	27,1	+8,1
5	250	175	120	15,5	6	42	8,6	10,4	72	12	12,8	18,3	3,8	27,4	+8,4
6	250	175	150	16	6,5	43	9	11	73,5	13	13	20	4,2	29,8	+10,8
7	250	175	180	15,5	6	41	8,5	10,5	71	12,5	12,6	19,5	3,7	29,5	+10,5
8	250	175	210	15	5,5	40	8	10	70	12	12	19	3,5	29	+10

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Самарқанд вилояти суғориладиган ўтлоқ-бўз тупроқлар шароитида "Омад" навидан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш учун юқори агротехника қоидаларига амал қилиш билан бирга, калийли ўғитларни қўллаш ўза ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим кўрсаткичларидан ҳисобланади.

**ДЕҲҚОНОБОД КАЛИЙ ЗАВОДИ МАҲСУЛОТИ САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШ
ОМИЛИ**

**О.Р.Умаров – магистратура талабаси, Г.Аҳадова – талаба,
М.А.Хайитов – илмий раҳбар, доцент**

Аннотация. Ўзбекистонда калийли ўғитлар ишлаб чиқаришга мослашган Деҳқонобод калий заводи технологик жараёни олинган ўғит таркиби, ҳоссалари, калийнинг ўсимликка таъсири баён қилинади. Самарадорликни ошириш омиллари ёритилган.

Калит сўзлар. Силвинит, карналит, галит, KCl, Деҳқонобод калий заводи.

Қириш. Ўзбекистоннинг ҳозирги ривожланиш босқичида аҳолини турли хил кишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга қатъи аҳд эътибор берилмоқда. Экинлар ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг сифатини яхшилашда турли ўғитлардан фойдаланиш асосий омил ҳисобланади. Кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб ишлаб чиқаришни ривожлантиришда минерал ўғитлар асосий ўринда туради, чунки етиштириладиган ҳосилдорликнинг деярли 50 % и минерал ўғитдан фойдаланиш ҳисобига олинади. Шунинг учун минерал ўғитлар ишлаб чиқариш мунтазам ўсиб бормоқда.

Калий энг аввало цитоплазма коллоидларини гидротациясини кучайтиришга таъсир этади, бунда уларнинг дисперслигини кучайтиради. Бу эса ўсимлик томонидан намликни ушлаб турилишини ва вақтинча қурғоқчиликка чидамлилигини оширади. Калий таъсирида картошка туганагида крахмалнинг ва қанд лавлагисиди сахарозанинг ва қатор мева ва сабзавот экинларда моносахаридларнинг тўпланишини кучайтиради. Калий ўсимликларнинг совуққа ва қишга (хужайра ширасини осмотик босимини кучайтириш туфайли), ўсимликларни замбуруғ ва бактерия касалликларга чидамлилигини оширади.

Калийли ўғитларнинг асосий хомашёси: силвинит - KCl - NaCl, лангбейнит - K₂SO₄·2MgSO₄, карналит-KCl·MgCl₂·6H₂O, каинит - K₂SO₄·MgSO₄·3H₂O, шенит K₂SO₄·6H₂O, бошқалардир.